

## ШҶРОЛАР ТУЗУМИНИНГ ИЛК ДАВРЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ТИЛ СИЁСАТИ

**ТОҒАЕВ Тўлқин Маманазарович**

*Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили  
ва адабиёти университети докторанти,  
филология фанлари номзоди*  
[togay-tm@mail.ru](mailto:togay-tm@mail.ru)



<https://doi.org/10.24412/2181-2993-2023-2-178-184>

### АННОТАЦИЯ

*Ушбу мақолада XX асрнинг 1918–30 йилларида Совет давлатининг тил сиёсати, жумладан, Ўзбекистонда миллий тиллар бўйича давлат сиёсатининг юритилиши тўғрисида сўз юритилади.*

*Калит сўзлар:* тил сиёсати, давлат тили, миллий тиллар, рус тили, ўзбек тили, маҳаллийлаштириш

### ABSTRACT

*The article discusses the language policy of the Soviet state in 1918–30 of the 20th century, including the state policy of national languages in Uzbekistan.*

*Key words:* language policy, state language, national languages, Russian language, Uzbek language, localization

### КИРИШ (Introduction)

Шўролар тузими шароитида миллатларнинг ўз тақдирини ўзлари ҳал қилиши, ўз ҳуқуқ ва манфаатларидан келиб чиқиб, давлат бошқарувини амалга оширишлари, миллатлар ва миллий тилларнинг тенглиги масаласи, умуман, РСФСР таркибидаги барча республикалар ленинча демократик тамойиллар асосида тараққий этишлари кафолатланган расмий ҳужжатларнинг мақсад-вазифаси аслида ҳаётда рўёбга чиқмагани, бу большевиклар партияси сиёсатини амалга оширишда зарур бўлган тадбирлар бўлгани бугун сир эмас. Тарихимизнинг бу даврида ўлкамиз туб аҳолисининг қонуний ҳуқуқларидан бири сифатида майдонга чиққан маҳаллий аҳоли тилининг давлат тили мақомида иш кўриши билан боғлиқ жараёнларни ўрганиш, уларга баҳо бериш тарихдан сабоқ чиқаришимиз, мустақиллик шароитида ўзбек тилини том маънода давлат тили бўлишидаги қийинчиликларни бартараф этишимиз учун ҳам зарур.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР (Discussion and results)

Ўтган асрда ўзбек тилининг давлат тили сифатида дастлабки қўлланиши 20-30 йилларда совет ҳокимияти ва маданий қурилишнинг барпо этилиши даврига тўғри келади. 1917 йил октябрь инқилобидан кейин Россияда дунёда ўхшаши бўлмаган янги тил сиёсатини амалга оширишга ҳаракат қилинди. Миллий ва тил сиёсатининг асосий тамойиллари коммунистик партия доҳийси ва шўролар тузуми асосчиси В. И. Ленин томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, янги тузумнинг шаклланиши йилларида ҳаётга татбиқ этила бошлади.

Адолат юзасидан айтиш керакки, совет ҳокимиятининг биринчи ўн йиллигида миллий тилларнинг ривожланиши учун маълум шароитлар яратилган. Инқилоблардан сўнг, совет ҳукумати шаклланиши даврида Сталин бошчилигидаги Миллатлар Халқ Комиссарлиги тузилди. 1917 йил 15 ноябрдаги “Россия халқларининг ҳуқуқлари декларатсияси” миллатларнинг ўзаро тенглигини эълон қилади. Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитаси ва Халқ Комиссарлари Кенгашининг 1918 йил 15 февралдаги 2-сонли декретида суд муҳокамасининг барча инстанцияларида барча маҳаллий тилларнинг қўлланилиши тўғрисида қарор қабул қилинди. [1:141-142]. Фуқаролар урушининг оғир йилларида ҳам Россия Халқ Комиссарлиги 1918 йил 31 ноябрда “Майда миллатлар мактаби тўғрисида”ги қарорни эълон қилди.

Туркистон Мухтор Совет Социалистик Республикаси (ТАССРда)да ҳам 1918 йилдан миллий тиллар масаласи бўйича қизгин иш олиб борилди. Лениннинг 1919 йилда ёзган “Ўртоқ Туркистон коммунистларига” мактубида шу жумлаларни ўқиймиз: “Шўро Ишчи ва Дехқон Республикасининг кучсиз, шу пайтгача мазлум халқларга муносабати бутун Осиё ва дунёнинг барча мустамлакалари учун, миллионлаб кишилар учун амалий аҳамиятга эга бўлади... Туркистон халқлари билан тўғри муносабатлар ўрнатиш эндиликда РСФСР учун ҳеч муболағасиз, улкан, жаҳоний-тарихий аҳамиятга эга дейиш мумкин” [2: 304].

Кўп ўтмай Лениннинг ўрнини эгаллаган шўроларнинг яна бир доҳийси И.В.Сталиннинг ҳам Туркистон масаласига доим фавқулодда аҳамият бериб келгани унинг нутқларида яққол ўз аксини топган. У шундай ёзган эди: “Вазифа Туркистонни намунали республикага, Шарқни инқилоблаштирадиган илғор постга айлантиришдан иборат. Шунинг учун ҳам халқ оммасининг маданий савиясини ошириш, давлат аппаратини миллийлаштириш ва ҳоказо маънода бутун эътиборни Туркистонга қаратиш зарур. Биз бу вазифани нима бўлган тақдирда ҳам, аямасдан, қурбонлар бериб бўлса-да бажаришимиз керак [3].

Кўринадики, Марказий Осиёни намунали республикага (“Шарқ инқилобининг етакчи пости”га) айлантириш учун ҳамма нарсадан ташқари давлат аппаратини тўлиқ миллийлаштириш вазифаси ўртага қўйилган.

Октябрь ўзгаришидан кейинги даврда совет давлати олдидаги устувор вазифалардан бири саводсизликни йўқотиш ва фаолиятнинг турли соҳалари учун миллий кадрлар тайёрлаш эди, шунинг учун партия ва ҳукуматнинг кўплаб асосий ҳужжатлари ишлаб чиқилди ва эълон қилинди. Айтиш мумкинки, улар маданий инқилобга туртки берди. Бу ҳужжатлар қаторида, биринчи навбатда, “РСФСР аҳолиси ўртасида саводсизликни тугатиш тўғрисида”ги Декрет (1919 йил 26 декабрь) ўрин олади.

Эълон қилинган ҳужжатлар ва уларнинг ижроси бўйича амалга оширилган тадбирлардан маълумки, 1917 йилдаги инқилобий воқеалар, фуқаролар уруши, маъмурий-худудий ўзгаришларга қарамай, мамлакатнинг партия-давлат органлари мактаб таълимини ривожлантиришга, саводсизликни тугатишга, кадрлар тайёрлашга, мактаб таълимини кенгайтириш, нашриёт, аҳоли ўртасида сиёсий-маърифий ишларни ташкил этишга катта эътибор бердилар. 1918 йиллардаёқ рус тили билан бир қаторда миллий тиллар ҳам автоном республиканинг давлат тили сифатида қонуний мустақамланганлиги муҳим аҳамият касб этди. Совет ҳукумати тиллар тенглигини, мактабда ўз она тилида ўқиш ҳуқуқини эълон қилди. Умуман олганда, халқларининг таълим йўналишида ижобий силжишлар бўлди.

Энди бевосита ТАССРда, 1924 йилдан эса Ўзбекистон ССРда миллий тилларнинг давлат ва жамият қурилишида қўлаланишига эътибор қаратсак, бу борада дастлабки йилларда силжишлар юз берганига гувоҳ бўламиз. Хусусан, ТАССР ташкил топгач, коммунистик партия ва совет ҳукумати томонидан бу ўлкада маҳаллий тиллар ҳуқуқини тиклаш, уларни амалда қўллаш бўйича бир қатор расмий ҳужжатлар қабул қилинди. Буларнинг дастлабкиси 1918 йил 9 августда эълон қилинган Туркистон Жумҳурияти Марказий Ижроия Қўмитасининг ўлкадаги давлат тили ҳақидаги 30-сонли буйруғидир [4]. Ушбу буйруққа биноан МИҚ ва ХКС давлат тили ҳақидаги декрет ва низомни тасдиқлайди [5].

Марказий Қўмита раиси Р. Иноғомов ва ҳамраис томонидан имзоланган ушбу буйруқда Республикада давлат тили тўғрисидаги низомни қабул қилиб, давлат тили тўғрисидаги декретни ҳаётга татбиқ қилишга зудлик билан замин ҳозирлаш кўрсатилган. Декретда “барча шеваларда турлича бўлган ва Туркистоннинг барча туркий халқлари учун тушунарлироқ бўлган асосий туркий тил бўлмиш давлат тилини тан олиш бутун аҳоли манфаатларини

уйғунлаштириши мумкин”лиги кўзда тутилиб, бу тил Туркистон ўлкасида рус тили билан бир қаторда давлат тили сифатида эълон қилинди.

“Давлат тилини юритиш тўғрисидаги низом”да қуйидаги асосий ҳолатлар белгиланган:

1. Туркий тил рус тили билан бир қаторда қонунчилик ва маҳаллий аҳолининг Туркистон Республикаси ишчи-деҳқон ҳукумати билан расмий муносабатлар юритиш тилидир.

2. Маҳаллий аҳоли кичик ҳудудий бирликлар - волостлар, округлар, шаҳарлар билан боғлиқ масалаларда ва ҳокимият органлари билан расмий муносабатларда ҳар бир ҳудуд аҳолисининг асосий қисми тилидан (қўпчиликни ташкил қилган аҳоли тилидан – Т.Т. ) фойдаланади.

3. Уезд органларнинг вилоят органлари ва Марказ билан алоқалари икки тилда - рус ва туркий тилларда параллел равишда амалга оширилади [5].

Тўққиз банддан иборат ушбу низом фуқароларнинг юқори давлат муассасаларига ўз она тилларида мурожаати, халқ таълими муассасаларида таълим тили, ҳар икки давлат тилининг фан сифатида ўқитишнинг тартиблари ва бошқа ҳолатлар ҳам белгиланган.

Россия (болшевиклар) коммунистик партиясининг X Сезди (1921) қарорларида мамлакат халқларининг ҳақиқий миллий тенгсизлигини бартараф этишга қаратилган партиянинг асосий вазифалари белгилаб берилди. Хусусан, а) совет давлатчилигини халқларнинг миллий ва турмуш шароитларига мос келадиган шаклларда мустаҳкамлаш; б) маҳаллий аҳоли ҳаёти ва психологиясини яхши биладиган маҳаллий аҳолидан ташкил топган ўз она тилида фаолият юритувчи судлар, бошқармалар, хўжалик бошқаруви органлари, ҳокимият органларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш; в) ўз она тилида матбуот, мактаб, театр, клуб ишини, умуман, маданий-маърифий муассасаларни ривожлантириш; д) жадаллаштириш учун она тилида (биринчи навбатда, қирғизлар, бошқирлар, туркманлар, ўзбеклар, тожиклар, озарбайжонлар, татарлар, доғистонликлар учун) умумий таълим ва касб-ҳунар таълимига оид курслар ва мактабларнинг кенг тармоғини ташкил этиш ва ривожлантириш, ҳокимиятнинг барча соҳаларида, биринчи навбатда, маориф соҳасида малакали ишчилар ва совет партия ходимларидан иборат маҳаллий кадрлар тайёрлаш [6].

РКП (б) X сездининг миллий масалага доир қарорида мустамлакачилик ва миллатчилик кўринишлари кескин қораланди. Давлат қурилишининг ҳамма соҳаларида миллатлар ва ирқлар тенг ҳуқуқли экани, уларнинг эркин ривожланиш ҳуқуқини таъминлаш кераклиги таъкидланган эди. Бироқ

болшевиклар партияси сиздида белгиланган асосий вазифалар бажарилмади, унда муҳокама этилган ҳаққоний ёндашувлар турмушда ўз ижросини топмади. Болшевикларнинг ўзи миллий масалада икки ёқлама сиёсат юритиб, асосан, Марказ манфаатларини ҳимоя қилдилар [7: 60].

Ўша вақтдаги муҳим ҳужжатлардан бири шуки, Туркистон АССРда иш юритишни маҳаллий тилларга ўтказ бўйича 1923 йил 29 августда МИҚ ва ХКСнинг 130-қарори эълон қилинди. Унга кўра бундан кейин барча декрет ва қарорлар рус, ўзбек, туркман ва қирғиз (қозоқ -Т.Т.) тилларида чиқарилиши шарт қилиб қўйилди. Шунингдек, ушбу қарор эълон қилиниши билан барча Волост Ижроия Қўмиталари барча хатлар, иш юритиш ва юқори ва қуйи органлар билан ёзишмаларни фақат маҳаллий тилларда амалга ошириши лозимлиги белгиланди. Марказий ва ҳудудий ҳокимият органларига мазкур қарор чиқарилганидан сўнг Марказий муассасаларда дарҳол, вилоятлар муассасаларида 3 ой муддатда иш юритишни маҳаллий тилларга ўтказишни ҳам бир вақтнинг ўзида бошлаш мажбурияти юклатилди.

Советлар мамлакатининг барча қарам субъектларида кечган давлат аппаратини маҳаллийлаштириш, масалан, Украинада “украинлаштириш”, Қозоғистонда “қозоқлаштириш”, Грузияда “грузинлаштириш, Ўзбекистонда “ўзбеклаштириш” сиёсати олиб борилди. Бу жараёндан кичик халқлар ҳам четда қолган эмас. Бир қарашда бошқарув ишларини туб аҳоли тилида олиб бориш, маҳаллий кадрларни тайёрлаш ва юқори лавозимларга кўтариш каби халқларнинг миллий манфаатларига хизмат қиладигандай кўринган бу сиёсатдан аслида совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун фойдаланилди. Чунки маҳаллий аҳолини, айниқса, бошқарув кадрларни ўз тарафига оғдирмай туриб, шўро раҳбарияти жойлардаги воқеалар ривожини ўзи учун керак бўлган йўналишга солиши қийин эди.

Ўзбекистон ССРда ҳам давлат аппаратини “маҳаллийлаштириш” давлат, жамоат ва хўжалик аппаратига маҳаллий миллат вакилларини кенг жалб этишдан, иш юритишда ўзбек тили ва бошқа маҳаллий тилларни жорий қилишдан иборат бўлди. Ўзбекистон ССР Инқилобий Комитетининг 1924 йил 31 декабрда ташкилотларида иш юритишни маҳаллий миллат вакиллари тилига ўтказиш тўғрисида 48-рақамли қарори қабул қилинган бўлиб, ХКС қошидаги махсус комиссия Ўзбекистон Инқилобий Комитети ҳузуридаги Давлат аппаратини маҳаллийлаштириш Комиссияси деб номланган [8].

Ўзбек тилини араб алифбосидан лотин алифбосига кўчирилиши муносабати билан ўзбеклаштириш жараёни янада жадаллашди. 1928 йил 18 февралда Ўзбекистон ССР Советлари Марказий Ижроия Комитети ва

Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг “Давлат аппаратини ўзбеклаштириш тўғрисида” 20-рақамли қўшма қарори қабул қилинди. Ушбу қарордан давлат бошқарувининг барча жабҳаларида иш юритишни ўзбек ва рус тилларида параллел равишда олиб бориш, европа миллатига мансуб ходимларнинг ўзбек тилини ўрганиши учун тўғараклар очиш ҳамда маҳаллий аҳолидан ишчи кадрларни тайёрлаш каби муҳим масалалар ўрин олган [9: 65].

1928 йил 18 октябрда “Ўзбекистон ССРнинг муассаса, корхона, ташкилотлари ишчилари ва ходимларининг мажбурий равишда ўзбек тилини ўрганиши тўғрисида”ги қарор қабул қилинди [10]. Қарорда юқори давлат органлари, бошқарув идоралари, комиссарликлар, марказий, округ ва шаҳар муассасалари, ташкилотларда хизмат қиладиган русийзабон ходимлар учун ўзбек тилини мажбурий равишда ўрганишни уч навбатда амалга ошириш белгиланди. Шунингдек, ушбу қарорда 1929 йилнинг 1 октябридан бошлаб, ўзбек тилини билмайдиган (махсус малакага эга бўлганлардан ташқари) шахсларни ишга қабул қилиш тўхтатилиши қайд этилган.

Русийзабон ходимлар учун ўзбек тилини ўрганиши белгиланишига қарамай бу амалда ўзини оқламади. Молия, банк иши, солиқ, статистика, темирўл ва давлат назорат органлари ва бошқа муҳим тармоқларда ўзбек тилини давлат тили сифатида жорий қилиниши қоникарсиз бўлиб қолаверди.

Шуниси эътиборлики, ЎзССР ҳукуматининг давлат аппаратини ўзбеклаштириш, ишчиларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш, ЎзССРда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалалари бўйича маърузаси СССР Марказий Ижро Комитетида тингланиб, бу борада қарорлар чиқарилган. Унда ЎзССРда бутун давлат аппаратини, иш юритишни ўзбеклаштириш муддати 1933-йил этиб белгиланган [11].

### **ХУЛОСА (Conclusion)**

Хулоса шуки, 1917 йилдан 1930 йилларнинг ўрталарига қадар партия ва давлат миллий масала ва унга алоқадор ишларда маҳаллий халқларга ён босиш сиёсатини олиб борди. “Плюрализм ёки лингвистик федерализм” деб қаралган бу давр хусусияти ҳукуматнинг рус бўлмаган бошқа халқлар тилларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш йўналишини расман эълон қилганлиги билан тавсифланади. Миллий тилларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва уларнинг доимий ривожланишини таъминлаш, давлат ва жамият бошқаришини маҳаллийлаштириш масалалари тўғрисида коммунистик партия ва шўролар ҳукумати томонидан бу даврларда қабул қилинган турли даражадаги декретлар, қарор ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар амалда бажарилмади. Вазият аста-секин

ўзгариб борди, партия яккахокимлиги ўрнатилди. 1938 йилда рус тили мамлакатда мажбурий ўқиш тили деб эълон қилинди. Советлар мамлакатада руслаштириш сиёсати бундай кейин фақат кучайиб борди. Бу ҳол миллий тилларнинг, жумладан, ўзбек тилининг келгуси тақдири билан боғлиқ салбий оқибатларни, қатор муаммоларни келтириб чиқарди.

## REFERENCES

1. Исхан Б.Ж., Оспанова Б.Р. Влияние языковой политики советского режима на казахскую письменность. /Филологические науки международный журнал экспериментального образования. №3, 2014.
2. Ленин В. И. Товарищам коммунистам Туркестана. 5-изд. Т.39. Москва: Государственное издательство политической литературы, 1970.
3. Сталин И.В. Заключительное слово на ИВ совещании СК РКП(б) с ответственными И.В. работниками национальных республик и областей 12 июня 1923 г. [https://www.marxists.org/russkij/stalin/t5/final\\_word.htm](https://www.marxists.org/russkij/stalin/t5/final_word.htm)
4. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 171-иш, 29-варақ.
5. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 169-иш, 1, 2-варақ.
6. Исаев М. И. О языках народов СССР. -М.: Наука, 1978.
7. Рашидов О. Туркистон асрда совет ҳокимиятининг миллий сиёсати / Илмий хабарнома, АДУ, 2017, №1.
8. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, Р-837 фонд, 5-рўйхат, 519-иш, 209-варақ.
9. Рашидов О. Совет ҳокимиятининг маҳаллийлаштириш сиёсати ва уни Ўзбекистонда амалга оширилиши/ Ўзбекистон тарихи ж., 2019, № 1.
10. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, 58-фонд, 5-рўйхат, 174-иш, 6-варақ.
11. Государственный архив Российской Федерации, фонд 3316, опис 13, дело 14, лист 112.